



Ислом Нури

Шайх Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид Асарий

Макка шахридаги Олий Махкама козиси хамда
“Масжидул-Харом” имом хатиби,
шайх: Сауд Ибн Иброҳим Шурайм ва
шайх: Мухаммад Ибн Жамил Зайну мукаддималари

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

“Эй халкимиз, Аллохнинг даъватчисига ижобат килинглар!” (Ахкоф:
31)

“Роббимиз, бизлардан бу амалимизни кабул эт! Дарҳакикат, сен
эшичувчи ва билувчи зотсан”.

“Илоҳим, бу амалимнинг барчасини солих ва ўз юзинг учун холис кил
хамда унда ўзингдан бошка бирор кимса учун насиба кўйма!”.

Шайх Сауд ибн Иброҳим Шураймнинг мукаддимаси

Аллоҳ таъолога хамдлар ва пайғамбарларнинг сўнггисига салавот ва
саломлар бўлсин.

Мен Аллоҳ йўлидаги дўстим шайх Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид Оли
Исмоилнинг нажот топувчи фирм, мададланган тоифа – “Ахлуссунна
вал-жамоа” эътиқоди хакида ёзган “ал-Важиз фий ақидатис-салағис-
солиҳ” (Салаф солиҳ эътиқоди хакида муҳтасар сайланма) номли
китобини ўкиб чикдим.

Бу бебахо ва фойдали китобдир. Муаллиф унда “ахлуссунна вал-
жамоа” эътиқодининг, ушлаган кимса нажот топадиган, юз ўғирган



кимса халок бўладиган асослари хакида мухтасар хабарларни баён килган. Бу асослардан юз ўгиришдан Аллох сакласин!

Муаллиф тахсинга лойик хизматлар килган. Чунки, у жумлаларни ўкувчи хамда тингловчи англаб олиши кулагай бўлган енгил сўз ва маънолар билан тузган.

Аллох таъоло унга яхшиликларни мукофот килиб, бу китоби билан мусулмонларни фойдалантирун. Аллох таъоло бизга ва унга фойдали илм ва солих амалларни насиб этсин хамда барча мусулмонларни расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам, унинг сахобалари ва энг афзал асрларда яшаган (мусулмон) аждодлар йўлида юришга муваффак килсин! Аллох дуоларни эшитувчи ва ижобат килувчи зотдир.

Шайх Сауд ибн Иброҳим Шурайм
Макка шаҳридаги Олий Махкама козиси хамда
“Масжидул-Харом” имом хатиби

14 / 5 /1416 х.

Шайх Мухаммад ибн Жамил Зайну мукаддимаси

Аллох таъолога хамdlар бўлсин. Биз унга хамду санолар ва истиғфорлар айтиб, ундан ёрдам ва нафсимизнинг ёмонликлари хамда ёмон амалларимиздан паноҳ сўраймиз.

Аллох хидоят килган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани хидоят килувчи зот йўқдир. Мен шериксиз, ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.



Ислом Нури

Сўнг ...

Мен “ал-Важиз фий ақидатис-салағис-солиҳ” (Салаф солиҳ эътиқоди хакида сайланма) китобини ўқиб чикдим ва унинг самарали китоб эканини кўрдим. Муаллиф бу китобда мактовга сазовор бўлган бебахо маълумотларни тўплаган. У салаф солиҳ эътиқодини мусулмон осонлик билан ўқиб, кўплаб маълумотларга эга бўладиган даражада муфассал баён килган.

Мен хар бир мусулмон, хусусан, илм толиблари бу китобни ўқисин ва ундан истифода килсин деб васият киламан.

Мен Аллоҳ таъолодан бу китоб билан мусулмонларга фойда беришини ва ёзишдаги меҳнатларни ўзи учун холис кабул килишини сўраб коламан.

Шайх Мухаммад ибн жамил Зайну
Макка шаҳрдаги “Дорул-Хадис ал-Хайрийя”
мадрасасининг устозларидан

2 шаввол, 1415 х.

Муқаддима

Барча мактовлар Аллоҳга хосдир. Биз унга хамдлар ва истигфорлар айтамиз хамда ундан ёрдам ва нафсимиз хамда ёмон амалларимиздан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ хидоят килган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани хидоят килувчи зот йўқдир. Мен шериксиз, ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.



Ислом Нури

“Эй мўъминлар, Аллоҳ таъолодан лойик бўлганидек кўркинглар ва мусулмон бўлиб

вафот этинглар!” (Оли Имрон: 102).

“Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган, у жондан эса жуфтини яратган ва у иккисидан кўплаб эр ва аёлни яратган Аллоҳ таъолодан кўркинглар! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўргага номи солинадиган Аллоҳдан кўркингиз ва кариндошлик алоказарини узишдан кўркинглар! Аллоҳ сизларнинг устингизда кузатувчи бўлган Зотдир (Нисо: 1)*

“Эй мўъминлар, Аллоҳ таъолодан кўркинглар ва рост сўзланглар, Аллоҳ сизларнинг ишларингизни ислоҳ килади ва гунохларингизни кечиради. Аллоҳ ва унинг расулига итоат килган кимса улкан зафарларга эришибди” (Ахзоб: 71).

Сўнг ...

Сўзларнинг энг рости Аллохнинг каломидир. Йўлларнинг энг яхшиси Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг йўлидир. Ишларнинг ёмони _ бидъатлардир. Хар бир бидъат залолатдир ва хар-бир залолат жаханнамдадир. (Бу хутбани “Хожат хутбаси” деб аталади. Бу хутбани хар бир ишни бошлашда ўкиш мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам сахобаларга бу хутбани диний ишларида, у ишлар никоҳ, жума, маъруза ва бошка бўлсин, сўзбоши килиб ўкишлари мумкин эканини ўргатар эдилар. Бунинг аслини кўриш учун куйидагиларга каранг: “Сунан ибн Можжа”: “Китабун-никах: Бабу хутбатин-никах”* “Сунан ат-Термизий”, “Сунан Аби Давуд”, “Сунан ан-Нисаий”, Абу Яълонинг “Сунан” и, Байхакийнинг “Сунан” и, Табаронийнинг “ал-



Ислом Нури

Муъжам ал-Кабир” ва Имом Ахмаднинг “ал-Муснад” китоблари. Бу хутбанинг бир кисми Имом Муслимнинг “Сахих” ида “Китабул-жумъа: бабу хутбатихи соллаллоҳу алайҳи ва саллам” да ривоят килинди. Муфассал ўрганиш учун шайх, аллома Мухаммад Носируддин Албонийнинг “Хутбатул-хожа” китобига мурожаат килинсин).

Мусулмон дўстим, бу муҳтасар китобча “Салаф солиҳ _ суннат ва жамоат сохибларининг эътиқоди” хакидадир.

Бугунги кунда Ислом умматининг турли гурух ва жамоатларга бўлиниб, таркок холатда колиши хамда хар бир жамоа ўз ақидисига даъват этиб, ўзини оқлаши оқибатида кўплаб одамларга ишнинг чигаллашиб колиши натижада эса кимга эргашишларини билмай колишлари, мени ушбу китобни ёзишга ундади. Аллоҳга хамдлар бўлсинки, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам куйидаги хадисларида хабар берганларидек, бу уммат ичидан эзгулик йўколмайди ва бир гурух кишилар киёмат кунига кадар хидоят ва хакикатни махкам ушлаб колади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “умматим ичидан бир тоифа хакикат узра колади. Ёрдамсиз ташлаб кўйилса-да, уларга бирон бир зарар етмайди.

Улар Аллоҳнинг амри келгунига кадар ўз холларида ўзгармай коладилар” (Имом Муслим ривояти)*

“умматимнинг мисоли ёмғирга ўхшайди. Унинг бошланиши яхшими, ёки охирими, билиб бўлмайди” (Албоний: “Сахих сунан ат-Термизий”).

Бу сўзларни ўқир эканмиз, зimmамизга расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган, сахобалар, тобииинлар ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар (Аллоҳ таъоло бизларни хам улар жумласидан



Ислом Нури

килсин!) татбик этган соглом Исломни лозим тутган муборак жамоани билиш масъулияти тушади.

Бу жамоа жаханнам азобидан халос бўлган, Аллоҳ таъоло тарафидан ёрдам берилган хамда “Ахлуссунна вал-жамоа”, “Ахлул-хадис” ва “Ахлул-асар вал-иттибоъ” деб сифатланган жамоадир. улар расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг сахобалари юрган йўлда юрган кишилардир.

Шу муносабат билан расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хидоятини кўлма-кўл авлодоларга ўтказиб келган имомлик, суннатга эргашиш хамда уларнинг илмли ва адолатли эканликлариға гувоҳ бўлинган зотларнинг китобларидан иктибос килганим: “ал-Муяссар фий ақидатис-салафис-солих” (Салаф солиҳ эътиқоди хакида кулаги кўлланма) китобимдан ушбу “ал-Важиз” (сайланма) ни муҳтасар килишга шошилдим. Мен “ал-Важиз” нинг китобхонлар оммаси, хусусан, муборак Ислом уйгонишининг ёшлари бўлмиш янги исломга кирганлар салаф солиҳ ақидасининг умумий маъноларини осонлик билан тушуниб олишларига ёрдамчи бўлиши учун имкони борича салаф имомларидан ривоят килинган шаръий лафзлар билан кулаги, енгил услуб, киска жумлалар билан ёзилишига харис бўлдим. Чунки, эътиқод илми бир-бирига багланган занжирга ўхшайди. Зоро, мусулмон эътиқоднинг асосий кисмини тушунмас экан, унинг тафсилотларини хеч хам тушуна олмайди.

Мен ўз тарафимдан баъзи изохларнигина кўшдим ва китобнинг сўнггида фойдаланилган манбаларнинг барчасини санаб ўтдим.

Муқаддима сўнггида, “ал-Важиз” ни тамомига етказишга муваффак килгани учун Аллоҳ таъология хамду шукроналар айтаман ва ундан



Ислом Нури

ушбу камтарона ишни мусулмонларнинг бузилган эътиқодларини тузатиш, улар учун фойдали хамда Аллох таъолонинг китоби ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллаҳу суннатлариға кайтишлариға ундовчи омил килишини сўраб коламан.

Бундан ташкари, “ал-Важиз” нинг тамомига етишида менга ўзларининг фикрлари ва насиҳатларини аямаган дўстларимга, хусусан, бу китобни ўкиб, унга муқаддималар ёзган шайх Сауд ибн Иброҳим Шурайм ва шайх Мухаммад ибн Жамил Зайнуларга ўз миннатдорчилигимни изхор этаман. Аллоҳ таъоло уларга хайрли мукофотлар берсин!

Бу камтарона ишимни китобхонлар оммасига такдим этарканман; Агар тўгри сўзлаган бўлсан, у Аллоҳ таъолонинг тавфиқидандир. Агар хато килган бўлсан, у менинг нафсим ва Шайтондандин. Шунинг учун хатоларимни топган кишининг менга билдиришидан мамнун бўламан.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолодан бу амалимни ўзи учун холис кабул этиши ва мусулмонлар учун фойдали килишини умид килиб коламан. Агар бу асарда Аллоҳ таъолонинг китоби, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллаҳу суннатлари ва салаф уламоларининг тушунчалариға хилоф фикрлар айтилган бўлса, булар мендан касдсиз содир бўлган ва мен бунинг учун Аллоҳ таъолога истиғфор айтаман хамда хаётлик давримда хам, ўлганимдан кейин хам бу фикрлардан кайтганман.

Аллоҳ таъоло пайгамбаримиз Мухаммад, унинг оиласи ва барча сахобалариға салавот ва саломлар йўлласин.

Кечиримли роббисининг магфиратига умидвор,



Ислом Нури

Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Абдулхамид ибн Абдулмажид
Оли Исмоил Асарий

(Аллоҳ таъоло уни афв этсин)

зул-хижжа, 1416 х.

Зарурий таърифлар

“Акида” нинг таърифи

“Акида” нинг лугавий маъноси:

“Акида” сўзининг маънолари: “богламок, тугмок, махкамламок, богланмог, куч билан махкам тутмок, исбот этмок, ишонч, жазм этмок” дир.

“Боглаш” _ “ечиш” нинг аксиdir. Араблар: “Акадаҳу, яъкидуҳу акдан” дейдилар. Бунинг маъноси: “Махкам bogлади”, демакдир.

Онд ичиш ва никоҳ пайтида “акада” сўзи истеъмол килинади. Аллоҳ таъоло деди: “Аллоҳ таъоло сизларни тилларингиздаги бехуда касамларингиз учун жазоламайди. Балки, (дилларингиздаги) махкам туккан касамлар сабабли (агар шундай касамни бузсангиз) жазолайди” (Моида: 89)*

“Акида”: эътиқод килган кишида шубҳага ўрин кўймайдиган хукмдир.

Динда “акида” сўзидан, Аллоҳ таъолонинг борлиги ва пайгамбарларнинг юборилиши каби эътиқодни максад килинади, килинган амални эмас. Унинг кўплик сони “акоид” дир (“Лисанул-



Ислом Нури

араб”, “ал-Комусул-мухит”, “ал-Муъжамул-васит” китобларининг “акд” моддасига каранг).

Хуллас, инсон калбини катъий бοглаган нарса, у хоҳ хакикат бўлсин, хоҳ ботил бўлсин, эътиқод (акида) дир.

Истилоҳда: калб уларни тасдиқлаши, шак-шубҳадан холий бўлган ишончга айланиб коладиган ва нафс улардан хотиржам бўлиши керак бўлган ишларга “акида (эътиқод)” дейилади. Яъни эътиқод килган кишида шубҳага ўрин кўймаган ва воеъликка мос бўлган катъий иймондир. Агар одамнинг билими катъий ишонч даражасига етиб бормаса, “акида” деб аталмайди.

Иймонни, инсон (унга) ўз калбини махкам бοглагани учун хам, “акида” деб номланди.

Ислом ақидаси:

Ислом ақидаси Аллоҳ таъолога, унинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират куни, такдирнинг яхши ва ёмони хамда барча Аллоҳ таъоло ва расулуллоҳ соллаллоҳу алийхи ва саллам томонидан собит бўлган гайб ишлари, дин асослари ва салаф солих ижмоъ килган нарсаларга катъий иймон келтириш, ишларда, хукм килиш ва итоат этишда Аллоҳ таъолога тўла таслим бўлиш хамда расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга эргашиш, демакдир.

Ислом ақидаси – “Ахлуссунна вал-жамоа” ақидасидир. Чунки у Аллоҳ таъоло бандалари учун дин бўлишига рози бўлган исломдир. Бу ақида сахобалар, тобииналар ва тобииналарга яхшилик билан эргашган кишиларнинг, яъни, Исломнинг аввалида яшаган уч авлоднинг ақидасидир.



Ислом Нури

Ислом ақидасининг маъноларига далолат килувчи ва унга синоним бўлган бошка исмлари хам бўлиб, уларнинг машхурлари булардир: “тавхид”, “суннат”, “усуруд-дин”, “ал-фикхул-акбар” ва “ал-иймон”. (Носир ибн Абдулкарим Акл: “Мабахису ахлиссуннати вал-жамоати ва мавкифул-харакатил-исламийти минха”* Доктор Сулаймон Ашкар: “ал-Ақидату фил-лах” ларга каранг).

“Салаф” сўзининг маъноси

“Салаф” сўзининг лугавий маънолари:

“Салаф” сўзининг маънолари: “ўтди”, “олдин ўтди”.

Араблар: “Салафаш-шайъу салафан” (у нарса бўлиб ўтди) дейдилар.

“Салаф” – “олдинда бораётган жамоат ёки юришда илгари бораётган кавм”, демакдир.

Аллоҳ таъоло деди: “улар бизни даргазаб килганларида, биз уларнинг барчасини денгизга гарк килиб, интиком олдик ва уларни ўтмиш-ибрат ва мисол килиб кўйдик” (Зухруф: 55, 56).

Яъни, биз уларни уларнинг килган ишларини киладиган кишилар учун салаф-биринчи килиб кўйдик. Токи, улардан кейинги авлодлар ибрат-намуна олсинлар”.

“Салаф” – сизлардан аввал яшаб ўтган, сиздан ёши ва обрўси баланд бўлган оталарингиз ва карнидошларингиздир. Шунинг учун хам, тобииналарнинг аввалгилари “салаф солих” (эзгу ишларни килган аждодлар) деб аталди (“Тажул-арус”, “Лисанул-араб”, “ал-Комусл-мухит”: “салаф” сўзи).



Истилоҳда:

Агар эътиқод олимларининг хузурида “салаф” сўзи тилга олинса, ундан сахобалар, ёки сахоба ва тобииналар, ёки сахоба, тобиин ва уларга яхшилик билан эргашган, имомлик, фазл-камолот ва суннатга эргашиш, бидъатлардан сакланишларига гувоҳ бўлинган динда буюк ўрин тутган эканликлариға иттифок килинган забардаст имомларни назарда тутган бўладилар. Шунинг учун хам, Исломнинг энг биринчи авлоди “салаф солих” деб аталди.

Аллоҳ таъоло деди: “Ким хидоят аник бўлганидан сўнг пайгамбарга хилоф иш килса ва мўъминларнинг йўлидан бошка йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича кўйиб берамиз ва жаханнамга дохил киламиз. у накадар ёмон жойдир!” (Нисо: 115)

“Энг аввалда яшаб ўтган мухожирлар, ансорлар ва уларга яхшилик билан эргашган кишилардан Аллоҳ рози бўлди. улар хам Ундан рози бўлдилар ва уларга мангу колишадиган ва остларидан дарёлар окиб турадиган bogларни тайёрлаб кўйди. Мана шу буюк саодатdir ” (Тавба: 100).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: “Одамларнинг яхшилари мен билан яшаганлар, сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилар” — дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам, сахобалар ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар бу умматнинг салафидир.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам, сахобалар ва тобииналар даъват этган нарсаларга чакирган киши салаф йўлидадир.



Салаф йўлида бўлиш учун муайян вактда яшаш шарт эмас. Балки, бунинг шарти Куръон ва суннатни ақида, ахком ва сулукатда салаф тушунчасига мувофик бўлиши, холос. Шунинг учун хам, Куръон ва суннатга амал килган киши, салафлар давридан замон ва маконда узок бўлса-да, салафларга эргашган кишидир. Уларга хилоф килган киши, гарчи улар ичида яшасада, уларнинг сафида эмасдир.

Салаф солихнинг имоми Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламдирлар. Аллоҳ таъоло деди: “Мухаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Аллоҳнинг элчисидир. У билан бирга бўлганлар кофирларга қаҳрли, ўзаро эса раҳм-шафкатлидирлар. Сиз уларни Аллоҳнинг фазли ва розилигини талаб килиб рукуъ ва сажда килган холларида кўрасиз. Уларнинг белгилари сажда изидан (колган), юзларидаги излардир. Мана шу уларнинг Тавротдаги мисоллари” (Фатҳ: 29).

Аллоҳ таъоло Куръон Каримда Аллоҳ таъолога итоат килиш билан, расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга итоат килиш ўртасини боғлади. Аллоҳ таъоло деди: “Кимда -ким Аллоҳ ва Пайгамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайгамбарлар, сиддиклар шахидлар ва солихлар билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши хамроҳлардир.” (Нисо: 69).

Аллоҳ субҳонаху ва таъоло расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга итоат килишни Аллоҳга итоат килиш килиб кўйди. Аллоҳ таъоло деди: “Пайгамбарга итоат килган киши, Аллоҳга итоат килибди. Ким юз ўғирса, биз сизни улар устидан назоратчи килиб юбормадик” (Нисо: 80).

Аллоҳ таъоло расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга итоат килмаслик, килинган амалларни хабата-бекор килишини баён килди:



“Эй мўминлар, Аллохга ва пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) га итоат килинглар, (итоатсизлик билан) амалларингизни ботил-бекор килманглар!” (Мухаммад: 33).

Аллоҳ таъоло бизларга расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига муҳолиф бўлишни таъкиклади. Аллоҳ таъоло деди: “Ким Аллоҳ ва Унинг пайгамбариға итоатсизлик килиб Аллоҳнинг белгилаб кўйган хадларидан тажовуз килса, уни абадий коладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хорловчи азоб бордир” (Нисо: 14).

Аллоҳ таъоло бизларни расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган нарсаларни кабул килиш ва таъкилаган нарсаларни тарк килишга буюрди. Аллоҳ таъоло деди: “Пайгамбар сизларга олиб келган нарсаларни олинглар ва таъкилаган нарсалардан тўхталинглар. Аллоҳдан кўркинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси каттиkdir.” (Хашр: 7).

Аллоҳ таъоло хаётимизнинг барча ишларида расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни хакам килиб, унинг хукмига мурожаат килишимизга буюрди. Аллоҳ таъоло деди: “Йўқ, роббингизга касамки, то улар ўз ўрталарида чиккан келишмовчиликларда Сизни хакам килмагунларича ва кейин Сиз чикарган хукмдан дилларида хеч кандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича — бўйинсунмагунларича зинхор мўмин бўла олмайдилар.” (Нисо: 65).

Аллоҳ таъоло пайгамбари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эргашиш, намуна олиш керак бўлган чиройли намуна ва ўrnak эканини бизларга етказиб деди: “(Эй мўминлар), албатта сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган хамда Аллоҳни кўп ёд



Ислом Нури

килган кишилар учун — Аллохнинг пайгамбарида гўзал намуна бордир” (Ахзоб: 21).

Аллох таъоло ўз розилигини пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг розилигига боғлади: “Агар улар мўъмин бўлсалар, Аллох ва унинг расули рози килишларига лойикроқдир” (Тавба: 62).

Аллох субҳонаху ва таъоло расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашибни Аллохга бўлган мухаббатнинг белгиси килиб кўйди: “Айтинг: “Агар сизлар Аллохни яхши кўрсангизлар менга эргашиналар шунда Аллох сизларни яхши кўради ва гунохларингизни кечиради. Аллох Гафур-кечиравчи ва раҳмли зотдир” (Оли Имрон: 31).

Шунинг учун хам, салаф солихнинг келишмовчилик пайтида мурожаат этадиган ягона манбалари – Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатлари эди. Аллох таъоло деди: “....Бордю бирор нарса хакида талашиб колсангиз — Агар хакикатда Аллохга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллох ва расулига кайтаринглар. Мана шу яхширок ва чиройли ечимдир.” (Нисо: 59).

Салафларнинг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан кейинги энг афзали, динларини ул зотдан ихлос ва садокат билан олган сахобалардир. Аллох таъоло уларни ўзининг азиз китобида куйидагича таърифлади: “Мўъминлар ичида ўзлари Аллохга берган (У зотнинг йўлида жиход килиб, шахид бўлиш хакидаги) ахдларига содик бўлган кишилар бордир. Улардан баъзилари (шахид бўлиб) вафот этди ва баъзилари (шахидликни) кутиб турибди, бирок, ахдларини ўзгартмадилар” (Ахзоб: 23).

Улардан сўнг эса, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам куйидаги



Ислом Нури

хадисларида хабар берган, кейинги авлод туради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Одамларнинг яхшироги мен билан яшаганлар, сўнг улардан кейингилари, сўнг улардан кейингилари” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Шунинг учун хам, сахобалар ва тобииналар бошкалардан кўра эргашишга лойикроқдирлар. Чунки, улар иймонларига содик, ибодатларида ихлосли, ақида ва шариат хомийлари, шариатга сўзлари ва амаллари билан тўла риоя килган кишилардир. Шунинг учун хам, Аллоҳ таъоло уларни динини ёйиш ва пайгамбарининг суннатини етказиш учун танлаб олди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “умматим етмиш уч гурухга бўлинади. Уларнинг бир гурухидан бошка барчаси жаханнамда” — дедилар. Сахобалар: “у битта гурух кимлар” — деб савол бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен ва менинг сахобаларим юрган йўлда юрганлар” — деб жавоб бердилар” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Салаф солихга эргашиб, уларнинг йўлидан юрган кишини, салаф йўлига мухолиф бўлган ва уларнинг йўлларидан бошкасига эргашган кишилардан ажралиб туришлари учун салафларга нисбат ўларок “салафий” деб аталади.

Аллоҳ таъоло деди: “Ким хидоят аник бўлганидан сўнг пайгамбарга хилоф иш килса ва мўъминларнинг йўлидан бошка йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича кўйиб берамиз ва жаханнамга дохил киламиз. У накадар ёмон жойдир!” (Нисо: 115). Хар бир мусулмон салаф солихга мансуб бўлиш билан фахрланади.

“Салафийя” сўзи Исломни ўрганиш, тушуниш ва татбик этишдаги салаф солихнинг йўли учун исм бўлиб колди. Шунинг учун хам, “салафийя” сўзининг маъноси Аллох таъолонинг китоби ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлган суннатга салаф тушунчалари билан тўла риоя килган кишиларга хам истеъмол килинади